

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.Т.1 11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМИРОВ АБДИҒАШПОР ТЎРАЕВИЧ**

**СОЯНИ ЙИҒИШТИРИШ УЧУН ҒАЛЛА КОМБАЙНИНИ  
МОСЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ҚАРШИ – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Умиров Абдиғаппор Тўраевич**

Соғани йиғиштириш учун ғалла комбайнини мослаштириш ва  
параметрларини асослаш ..... 5

**Умиров Абдиғаппор Тураевич**

Приспособление зерноуборочного комбайна для уборку сои и  
обоснование его параметров ..... 21

**Umirov Abdigappar Turaevich**

Grain combine fittings for harvesting soybean and substantiation of its  
parameters ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.06.2020.Т.1 11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМИРОВ АБДИҒАШПОР ТЎРАЕВИЧ**

**СОЯНИ ЙИҒИШТИРИШ УЧУН ҒАЛЛА КОМБАЙНИНИ  
МОСЛАШТИРИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.07.01 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ҚАРШИ – 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Т1356 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Астанақулов Комил Дуллиевич  
техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Худаяров Бердирасул Мирзаевич  
техника фанлари доктори, профессор

Эшдавлатов Эшнўлат Узоқович  
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

«ТИҚХММИ» МТУ Қарши ирригация  
ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти хузуридаги PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «17» август соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик шох кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [kiei.nfa@edu.uz](mailto:kiei.nfa@edu.uz)).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 180100, Қарши ш., Мустақиллик шох кўчаси, 225-уй. Тел.: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [kiei.nfa@edu.uz](mailto:kiei.nfa@edu.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил «4» август кунин тарқатилди.  
(2022 йил «4» август № 15 рақамли реестр баённомаси).



Ф.М. Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Д.Ш. Чуянов

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

З.Л. Батиров

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сояга бўлган талабнинг ортиши билан уни йиғиштириш учун ресурстежамкор технология ва техника воситаларини кўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё микёсида 110 млн. гектардан кўпроқ майдонда соя етиштирилиб, 352,66 млн. тоннадан зиёд дон олиншини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, уни йиғиштириб олиш учун дон нобудгарчилигини белгиланган талабдан оширмаган ҳолда ортикча харажатларсиз йиғиштириб олиш имконини берадиган техника воситаларини амалиётга кенг жорий этишни тақоза этади. Шу жиҳатдан, сояни кам сарф-харажат билан қисқа муддатда, нобудгарчиликсиз йиғиштириш учун ғалла комбайнларини мослаштириш ва улардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда соя йиғиштиришнинг ресурстежамкор технологиялари ва уларни амалга оширадиган техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, сояни йиғиштиришда ғалла комбайнларидан фойдаланиш имконини берадиган алоҳида ишчи қисмларни яратиш ёки мавжудларини мослаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан ғалла комбайни ўрғичи, янчиш аппарати, вентилятор ва ғалвирининг сояни йиғиштиришга мос параметрлари ва иш режимларини асослаш ва заруратга қараб уларни такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда соя ҳосилини етиштиришда меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, сояни кам нобудгарчилик билан сифатли йиғиштирадиган юқори самарадорликка эга ресурстежамкор техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг янги тараққиёт стратегиясида, жумладан «қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жумладан, энергия ва ресурсларни тежаш билан бирга ғалла комбайнларининг мавжуд ишчи қисмларини сояни кам нобудгарчилик билан донни шикастламасдан тоза қилиб йиғиштириб олишни таъминлайдиган қилиб мослаштириш ва янгиларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2832-сон «2017-2021 йилларда республикада соя экиш ва соя ловияларини кўпайтиришни ташкил этиш

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat/#data/suflowerseed/QS>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сон «Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сояни йиғиштириш бўйича тадқиқотлар А.С.Аббаси, А.Вежасит, V.M.Salokhe, Н.Шамсабоди, А.Сабери, А.А.Тимоthy, А.В.Осақрамван, I.E.Osaivbie, И.В.Бумбар, А.В.Парубенко, Н.М.Ожигова, М.И.Вязмин ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Республикада донли экинларни йиғиштириш усуллари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича К.Д.Астанақулов, О.Ш.Очилдиев, Б.А.Хатамов, Қ.Шавазов ва бошқа тадқиқотчилар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу тадқиқотларда ғалла комбайнлари билан буғдой, маккажўхори, кунгабоқар каби экинларни йиғиштириш жараёнлари, уларнинг ишчи қисмларини мослаштириш ва мақбул параметрларини асослаш ишлари амалга оширилган бўлиб, сояни йиғиштириш учун ғалла комбайнларини мослаштириш ва параметрларини асослаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг МВ-ҚХ-А-ҚХ-2018-189 “Турли шароитларда сояни агротехника талаблари даражасида экиш ва йиғиштириш учун техника воситаларини мослаштириш ва такомиллаштириш” (2018-2020) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ғалла комбайнини сояни йиғиштириб олиш учун мослаштириш ҳамда уни ишчи қисмларининг параметрлари ва иш режимларини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сояни йиғиштиришни механизациялаш воситалари ва уларнинг ишчи қисмларини тадқиқ этиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот ишларини таҳлил этиш;

Ўзбекистонда энг кўп етиштирилаётган соя навларининг йиғиштириш давридаги биометрик ва ўлчам-масса кўрсаткичларини ўрганиш;

ғалла комбайни ишчи қисмларини сояни йиғиштиришга мослаштириш бўйича илмий-техник ечимларни ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган техник ечимлар ва сояни йиғиштириш учун такомиллашган ғалвирга эга комбайннинг технологик параметрлари ва иш

режимларини аниқлашга доир назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

сояни йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайнининг хўжалик синовларини ўтказиш ва унинг иқтисодий самарасини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида соя ўсимлиги, унинг пояси, дуккаклари ва донлари, соя йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайни ишчи қисмларининг технологик иш жараёни, ғалла комбайнининг сояни йиғиштириш учун мослаштирилган ўриш ва дон тозалаш қисмлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сояни йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайни ўриш, янчиш ва дон тозалаш қисми ишчи органларининг соя массаси билан ўзаро таъсирлашиш жараёнини ифодаловчи аналитик боғланишлар, ишчи қисмлар параметрлари ва иш режимларига боғлиқ равишда комбайн иш кўрсаткичларининг ўзгариш тавсифи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида математик таҳлил, назарий механика, математик статистиканинг қонун ва қоидалари ҳамда экспериментларни ўтказиш учун мавжуд меъёрий хужжат Уз 63.01-99 “Испытания сельскохозяйственной техники. Комбайны зерноуборочные. Программа и методы испытаний” ва ГОСТ 28301-2007 “Комбайны зерноуборочные. Методы испытаний”ларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сояни ўришда жатканинг ўриш баландлиги поядаги дуккакларнинг минимал жойлашиш баландлигидан, комбайн иш тезлиги эса пояларни эгилмасдан ўрилишини таъминлаш шартидан келиб чиқиб аниқланган;

комбайн мотовиласи айланишлар сони соя дуккакларининг поя билан боғланиш кучини ҳисобга олган ҳолда мотовила планкаларининг зарбали таъсирида поядаги дуккакларининг узилиб тушмаслигига эришиш бўйича асосланган;

сояни йиғиштириш учун ғалла комбайни дон тозалаш қисмига ҳаво оқими таъсирида учувчанлиги дондан паст бўлган йирик поя бўлақларини тутиб қолиб, ташқарига чиқариб юборишни таъминлайдиган поя туткич бармоқларга эга жалюзали ғалвир ишлаб чиқилган;

поя туткич бармоқларга эга жалюзали ғалвир параметрлари технологик иш жараёнида ғалвир устига келиб тушган соя донларининг жалюзалар бўйлаб комбайн дон тозалаш қисми ичкарасига, поя бўлақларининг эса поя туткич бармоқлар ёрдамида тутиб қолиниб, ташқарига ҳаракатланишини таъминлаш асосида аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ғалла комбайни ўриш, янчиш ва дон тозалаш қисми ишчи органларининг сояни йиғиштириш учун мос бўлган технологик параметрлари аниқланган, комбайн дон тозалаш қисми ғалвири поя туткич бармоқлар қўйиш орқали такомиллаштирилган;

сояни йиғиштириш учун мослаштирилган ғалла комбайнидан фойдаланилганда дон нобудгарчилиги камайиши ва комбайндан фойдаланиш

самарадорлигининг ортиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларнинг замонавий усул ва ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида соя йиғиштириш учун мослаштирилган ғалла комбайни синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соя йиғиштириш учун мослаштирилган ғалла комбайни сифат кўрсаткичларини унинг ишчи қисмлари параметрларига боғлиқлигини ифодаловчи аналитик боғланишлар ва эмпирик ифодалар комбайнлар ишчи қисмларига доир мавжуд билимларни бойитади ва ғалла комбайнларидан самарали фойдаланиш йўллари тадқиқ этишда назарий асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мавжуд ғалла комбайнларини соя йиғиштиришга тез ҳамда кам маблағ ва меҳнат сарфланиб мослаштириш ҳамда сояни йиғиштириш технологик жараёнининг сифатли бажарилишини таъминлаши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сояни йиғиштириш учун ғалла комбайнини мослаштириш ҳамда уни ишчи қисмларининг параметрларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

соя йиғиштириш учун мослаштирилган ғалла комбайни Сурхондарё вилояти Термиз тумани фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 мартдаги 02/23-04/1666-сон маълумотномаси). Натижада республиканинг жанубий ҳудудида сояни белгиланган талаблар даражасида йиғиштириб олиш имкони яратилган;

сояни йиғиштириш учун такомиллаштирилган ғалвир билан жиҳозланган ғалла комбайни Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги “Агробиохолдинг” МЧЖ агрокластерида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 мартдаги 02/23-04/1666-сон маълумотномаси). Натижада такомиллаштирилган ғалвирга эга ғалла комбайнида дон тозалигини 1,8-2,6 фоизга ошириш ва нобудгарчилигини 1,5 фоизгача камайтириш имконини берган;

ғалла комбайни ишчи қисмларини соя йиғиштириш учун мослаштириш бўйича лойиҳа конструкторлик ҳужжатлари (техник топшириқ ва чизмалар) «ВМКВ-Agromash» АЖда лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 29 мартдаги 02/23-04/1666-сон маълумотномаси). Натижада ғалла комбайни дон тозалаш қисмини соя йиғиштиришга мослаштириш учун поя туткич бармоқли ғалвирларни ишлаб чиқариш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 1 та республика ва 3 та ҳалқаро микёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси

бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Масаланинг ҳолати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда соя етиштириш ва йиғиштиришнинг бугунги ҳолати, сояни йиғиштиришга қўйиладиган талаблар, сояни йиғиштириб олишда қўлланиладиган ўрим-йиғим воситалари ва мосламалари таҳлили, ғалла камбайни дон тозалаш қисмларининг шарҳи, сояни йиғиштиришга оид илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган.

Диссертациянинг «**Соянинг физик-механик ва ўлчам-масса кўрсаткичлари**» деб номланган иккинчи бобида соя ва унинг донининг ўлчам-масса кўрсаткичлари ва физик-механик хоссаларини ўрганишга оид маълумотлар келтирилган.

Соянинг “Амиго”, “Селекта-201” ва “Ойжамол” навларида ўтказилган тажрибаларда ўсимликнинг баландлиги навларига ва етиштириш агротехникасига қараб ўртача 63 – 99 см оралиғида бўлади, пояларининг диаметри эса пастки қисмда ўртача 4,1-7,1 мм ни ташкил қилади. Пастки қисмдаги дуккакларнинг жойлашиш баландлиги Ойжамол ва Амиго навлари экилган далада 15 см дан юқорида бўлган бўлса, Селекта нави экилган далада дуккаклар пастда (6 см баландликда) жойлашганлиги маълум бўлди. Бир туп ўсимликдаги дуккаклар сонининг ўртача қиймати 21,0 – 29,8 донани ташкил этди. Доннинг пояга нисбати асосан 1:1 – 1:1,8 нисбатда бўлиши аниқланди.

Донларнинг узунлиги “Амиго” навида 6,2 мм дан 9,1 мм гача, эни 5,6 мм дан 7,2 мм гача ва қалинлиги 4,2 мм дан 6,1 мм гача оралиқда, “Селекта-201” навида узунлиги 6,5 мм дан 9,5 мм гача, эни 5,7 мм дан 7,9 мм гача, қалинлиги 4,7 мм дан 6,9 мм гача оралиқда “Ойжамол” навида узунлиги 6,8 мм дан 9,8 мм гача, эни 5,7 мм дан 7,7 мм гача, қалинлиги 4,5 мм дан 6,9 мм гача оралиқда оралиқда ўзгариши маълум бўлди.



$H_{\delta.min}$  – соя дуккакларининг энг минимал жойлашиш баландлиги, м.

Агар  $H_{min} = 3$  см,  $H_{\delta.min} = 8$  см эканлигини ҳисобга олсак, ўриш баландлиги  $H_{\bar{y}} = 5$  см баландликда ўрнатилиши кераклиги маълум бўлади.

Комбайн маълум бир  $V_{\kappa}$  тезлик билан олдинга ҳаракатланганда ўриш аппарати пояларни олдинга эгишга ҳаракат қилади. Бунда максимал бўйлама эгилиш белгиланган ўриш баландлиги 5 см дан катта бўлиб кетмаслиги керак, акс ҳолда ўриш аппарати пояни баланд ўриб қўяди.

Шундан келиб чиқиб, комбайннинг пояларни эгилмасдан ўрилишини таъминлайдиган иш тезлигининг чегаравий қийматини аниқлайдиган ифодан келтириб чиқарилди

$$V_{\kappa} < \frac{(l_{\max}^{\delta} + h')\pi n_{\kappa p}}{30 \left( 2\pi - \arccos \frac{S_c - b_{\delta} - t_c}{S_c} - \arccos \frac{S_c + b_c - b_{\delta}}{S_c} \right)}. \quad (2)$$

бунда  $l_{\max}^{\delta}$  – ўриш пайтида пояларнинг максимал бўйлама эгилиши, м;  $h'$  – сегмент тиғининг баландлиги, м;  $n_{\kappa p}$  – ўриш аппарати кривошипининг айланишлар сони, мин<sup>-1</sup>;  $S_c$  – сегмент қадами, м;  $b_c$  – сегмент учки қисми эни, м;  $b_{\delta}$  – бармоқ учки қисми эни, м;  $t_c$  – сегмент қадами, м.

Агар пояларнинг бўйлама эгилиши ўриш баландлигидан ортиб кетмаслиги, яъни  $l_{\max}^{\delta} = 5$  см ҳамда Доминатор-130 комбайнида  $n_{\kappa p} = 1060$  мин<sup>-1</sup>;  $S_c = 76,2$  мм;  $b_c = 15$  мм;  $b_{\delta} = 20$  мм;  $t_c = 76,2$  мм эканлигини ҳисобга олсак, комбайн иш тезлиги  $V_{\kappa} < 2,39$  м/с ёки 8,6 км/соатдан катта бўлмаслиги керак.

Мотовило ишлаганда унинг планкалари дуккакдаги донларни уриб тўкмаслиги, пояларни комбайн ҳаракат йўналишига томон эгмаслиги ёки жатка орқа деворидан ошириб ташламаслиги, ўриш аппарати қирқмагунча пояни эгиб туриши керак. Бу ҳолатларнинг олдини олиш учун мотовило айланишлар сони ёки планкасининг айланма тезлиги, ўрнатилиш баландлиги ва горизонтал йўналишда ўриш аппаратига нисбатан жойлашиши бўйича ростланади ва уларни илгари тадқиқотчилар томонидан таклиф этилган қуйидаги ифодалар билан аниқлаш мумкин.

Бунда мотовиланинг ўрнатиш баландлиги

$$h_m \geq R_m - b_n + h_{\kappa} - H_{\bar{y}} - l_{m.y.} \quad (3)$$

бунда  $R_m$  – мотовило радиуси, м;  $b_n$  – мотовила планкаси эни, м;  $h_{\kappa}$  – ўсимликнинг қирқиладиган қисмининг узунлиги, м;  $l_{m.y.}$  – қирқилган поя учидан оғирлик марказигача бўлган масофа, м.

Агар  $R_m = 0,57$  м;  $h_{\kappa} = 0,83 - 0,99$  м;  $H_{\bar{y}} = 0,05$  м;  $b_n = 0,02$  м;  $l_{m.y.} = 0,15$  м эканлигини ҳисобга олсак  $h_m = 0,98 - 1,34$  м оралиғида бўлади.

Мотовило айланишлар сони

$$n_m \leq 30 \frac{\sqrt{V_{\kappa}^2 m_{\delta}^2 + P_{\delta.б.}^2 t_3^2}}{\pi R_m m_{\delta}} \quad (4)$$

бунда  $P_{\delta.б.}$  – соя дуккагини поя билан боғланиш кучи, Н;  $t_3$  – зарба вақти, с;  $m_{\delta}$  – соя дони массаси, кг.

Агар  $V_k=1$  м/с;  $P_{y.б.}= 0,8$  Н;  $t_z =0,0003$  с;  $m_d =0,145$  з;  $R_m=0,57$  м эканлигини ҳисобга олсак, мотовилонинг айланишлар сони  $n_m=32,4$  мин<sup>-1</sup> га тенг ва ундан пастроқ бўлиши керак.

Мотовило планкалари сони

$$N_n = \frac{60V_k}{\left(a_m + l_p + \sqrt{R_m^2 - (h_k - h_m)^2}\right) \cdot n_m} \quad (5)$$

бунда  $a_m$  – ўриш аппаратида мотовило марказигача бўлган бўйлама масофа, м;  $l_p$  – ўсимликлар орасидаги бўйлама масофа, м;  $h_m$  – мотовило ўқининг ўриш аппаратида нисбатан вертикал жойлашиш баландлиги, м;  $n_m$  – мотовила айланишлар сони, мин<sup>-1</sup>.

Бунда  $R_m =0,57$  м;  $V_k=1$  м/с;  $a_m=0,18$  м;  $l_p=0,05$  м;  $h_k =0,58-0,94$  м;  $h_m=0,98-1,34$  м;  $n_m=30 - 32$  мин<sup>-1</sup> эканлигини ҳисобга олсак, мотовило планкалар сони  $N_n = 2,85 - 3,04$  дона бўлиши кераклиги маълум бўлади.

Комбайн янчиш барабанининг айланишлар сонини қуйидаги ифода билан аниқлаш тавсия этилади

$$n_b = \frac{30}{\pi R_b} \left[ \frac{\sqrt{2A_d / (\sigma m_d)}}{(1 + K_d) \cos \alpha_b} + V_{yz} \right]. \quad (6)$$


бунда  $A_d$  – донини дуккақдан ажратишга кетадиган энергия, Ж;  $R_b$  – янчиш барабани радиуси, м;  $m_d$  – дон массаси, кг;  $\alpha_b$  – барабан тезлиги ва перпендикуляр текислик орасидаги бурчак, град.;  $K_d$  – қобикдаги доннинг тикланиш коэффициенти,  $K_d = 0,3$ ;  $V_{yz}$  – сояни янчиш барабанига узатиш тезлиги, м/с.

Агар  $R_b =0,225$  м,  $K_d = 0,3$ ,  $\sigma = 1,2$ ,  $m_d=145 \cdot 10^{-6}$  кг,  $V_{yz}=2,0$  м/с,  $\alpha_b=25^\circ$  ва соя донини дуккақдан ажратишга кетадиган энергия асосан  $A_d = 0,06 - 0,07$  Ж оралиғида бўлишини ҳисобга олсак, уни йиғиштиришда янчиш барабанининг айланишлар сони  $n_b = 617,1 - 661,4$  мин<sup>-1</sup> оралиғида бўлиши керак.

Комбайннинг поя туткич бармоқларга эга дон тозалаш қисмида (2-расм) вентилятор қувурининг эни унинг паррагининг энига тенг, яъни  $B_k=B_n$  деб олсак ва вентилятор ғилдираги бурчак тезлигини унинг айланишлар сони орқали ифодаласак, у ҳолда вентилятор айланишлар сонини қуйидагича аниқлаш мумкин

$$n_g = 15\alpha_x V_{kp} \frac{L_z \sin(\sigma - \delta') - \frac{a \sin 2\delta'}{\cos(\sigma + \delta')}}{\pi^2 R_g^2 [\cos \delta' + \kappa_g \sin(\sigma - \delta')]} \quad (7)$$

бунда  $\alpha_x$  – ҳавонинг керакли тезлигини таъминловчи коэффициент,  $\alpha_x =1,1-1,7$ ;  $V_{kp}$  – аралашманинг критик тезлиги, м/с;  $\delta$  – ҳаво оқимининг йўналиши билан ғалвир орасидаги бурчак, град.;  $\delta'$  – ҳаво оқимининг кенгайиш бурчаги, град.;  $a$  – ғалвирнинг бош қисми билан дарчанинг юқори қисми орасидаги масофа, м;  $\kappa_g$  – ҳаво оқимини узайиш коэффициенти,  $\kappa_g=0,5-0,6$ ;  $R_g$  – вентилятор радиуси, м;  $\kappa_g$  – ҳаво тезлигининг камайишини ҳисобга олувчи коэффициент,  $\kappa_g=0,15-0,2$ ;



1-транспортёр; 2-юқори ғалвир; 3-тебрантиргич; 4-пастки ғалвир; 5-дон шнеги; 6-вентилятор; 7-жалюза; 8-тўғин; 9-поятуткич бармоқ; 10-рейка.

## 2-расм. Поя туткич бармоқларга эга дон тозалаш қисми схемаси

Ушбу ифода асосида керакли ўлчамларнинг маълум қийматлар  $\alpha_x=2$ ,  $V_{кр}=6$  м/с,  $L_c=1,75$  м,  $a=0,1-0,12$ ,  $\delta'=15^\circ$ ,  $\sigma=28^\circ$ ,  $R_0=142,5$  мм,  $k_o=0,08$  м бўлганда соя донини тозалаб олиш учун вентиляторнинг айланишлар сони  $n_0=784,3 \text{ мин}^{-1}$  бўлиши кераклиги аниқ бўлади.

Жалюза япроқларига мос равишда поя туткич бармоқлар оралиғи ва сони қуйидагича бўлади [29, 70]


$$B_0 = (l_n - \sigma) \quad \text{ва} \quad Z_0 = 1 + \frac{B_{жс} - 2b}{B_0}, \quad (8)$$

бунда  $B_{жс}$  – жалюза эни, м;  $b$  – жалюза япроғи эни, м;  $B_0$  – поя туткич бармоқлар оралиғи, м.

Ҳисоблашларда  $B_{жс}=280$  мм,  $b_{я}=15$  мм,  $l_c=111,9$  мм,  $\sigma = 64,4$  мм бўлганда  $B_{0.с.} = 47,5$  мм бўлиши аниқланди.

**Дон ва поя бўлагининг ғалвир жалюзалари бўйлаб ҳаракатланиш модели.** Ғалвир жалюзалари устига бир пайтнинг ўзида ҳам дон, ҳам поя бўлаги келиб тушади. Уларга инерция кучи  $I = m\omega_k^2 r \cos \omega t$ , аэродинамик куч  $F_A = mk_n v^2$ , оғирлик кучи  $G = mg$ , нормал реакция кучи  $N = G \cos \alpha_{жс} - I \sin \alpha_{жс}$  ва ишқаланиш кучи  $F_{ишқ} = fN = f(G \cos \alpha_{жс} - I \sin \alpha_{жс})$  таъсир этади (3-расм, а ва б).

Ушбу кучлар таъсирида дон ғалвир жалюзалари бўйлаб пастга, поя эса юқорига ҳаракатланиши таъминланиши керак. Дон ва поя бўлагининг жалюза бўйлаб силжишининг дифференциал тенгламалари қуйидагича:



а) донга таъсир этувчи кучлар; б) поя бўлагига таъсир этувчи кучлар  
**3-расм. Жалюзалар сиртида дон ва поя бўлагига таъсир этувчи кучлар**

$$x_d = r(\cos \alpha_{жс} - f_d \sin \alpha_{жс})(1 - \cos \omega_k t) + (g(\sin \alpha_{жс} - f_d \cos \alpha_{жс}) - k_n v_x^2) \frac{t^2}{2}; \quad (9)$$

$$x_c = r(\cos \alpha_{жс} - f_c \sin \alpha_{жс})(1 - \cos \omega_k t) + (k_n v_x^2 - g(\sin \alpha_{жс} + f_c \cos \alpha_{жс})) \frac{t^2}{2}, \quad (10)$$

бунда  $r$  – кривошипнинг радиуси, м;  $\alpha_{жс}$  – жалюзанинг очиклик бурчаги, град.;  $\omega_k$  – кривошипнинг бурчак тезлиги, рад/с;  $t$  – вақт, с;  $f_d, f_c$  – дон ва поянинг ишқаланиш коэффициенти.

Дон учун  $k_n = 0,1 \text{ м}^{-1}$ ,  $f_d = 0,32$ , поя учун  $k_n = 0,6 \text{ м}^{-1}$ ,  $f_c = 0,39$ ,  $\omega_k = 15 \text{ с}^{-1}$ ,  $r = 0,03 \text{ м}$  эканлигини ҳисобга олиб ва  $t = 60/2$ ,  $T_r = 0,2 \text{ с}$  деб қабул қилиб, (9) ва (10) ифодалар ҳисоблаб, натижалар жадвалга киритилди.

**1-жадвал**

**Дон ва поя бўлақларининг ҳаво оқими тезлиги ва жалюзалар очиклик бурчагига боғлиқ ҳолда ғалвир жалюзаларида силжиши**

Ҳавонинг тезлиги, м/с	Доннинг силжиши, м			Поянинг силжиши, м		
	$\alpha_{жс}=20^0$	$\alpha_{жс}=30^0$	$\alpha_{жс}=40^0$	$\alpha_{жс}=20^0$	$\alpha_{жс}=30^0$	$\alpha_{жс}=40^0$
3,0	0,015	0,047	0,077	0,035	-0,001	-0,04
4,0	0,001	0,033	0,063	0,049	0,009	-0,03
5,0	-0,017	0,015	0,045	0,067	0,027	-0,01
6,0	-0,039	-0,007	0,023	0,089	0,049	0,011
7,0	-0,065	-0,033	-0,03	0,115	0,075	0,037

Жадвалдан кўришиб турибдики, жалюзалар очиклик бурчаги  $20^0$  бўлганда, ҳавонинг барча тезликларида (3,0; 4,0; 5,0 ва 6,0 м/с) дон ташқарига ҳаракатланади. Жалюзаларнинг очиклик бурчаги  $30^0$  бўлганда эса ҳавонинг 3,0 ва 4,0 м/с тезликларида ичкарига, 5,0 ва 6,0 м/с тезликларида

эса ташқарига ҳаракатланади. Жалюзаларнинг очиклик бурчаги 40<sup>0</sup> бўлганда эса ҳавонинг барча тезликларида дон ичкарига ҳаракатланади.

Поя бўлаклари ғалвирнинг бир марта тўлиқ тебранишида жалюзалар очиклик бурчаги 20<sup>0</sup> бўлганда ҳавонинг 3,0 м/с тезлигида дон билан кўшилиб ичкарига, 4,0; 5,0 ва 6,0 м/с тезликларида эса ташқарига ҳаракатланади. Жалюзаларнинг очиклик бурчаги 40<sup>0</sup> бўлганда эса ҳавонинг 3,0 м/с тезлигида ичкарига, 4,0; 5,0 ва 6,0 м/с тезликларида эса ташқарига ҳаракатланади.

Бундан кўриниб турибдики ғалвир жалюзалари бўйлаб доннинг ичкарига ва поя бўлаklarининг ташқарига ҳаракатланиши учун жалюзаларнинг очиклик бурчаги 30<sup>0</sup>, ҳавонинг тезлиги эса 3,0 ва 4,0 м/с оралиғида бўлиши керак.

Диссертациянинг «Ғалла комбайнини сояни йиғиштиришда тажрибавий тадқиқ этиш ва уларнинг натижалари» деб номланган тўртинчи бобида комбайн ишчи қисмларининг сояни йиғиштиришга мос келадиган параметрлари ва иш режимларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган.

**Ўриш баландлиги ўзгаришининг комбайн иш сифат кўрсаткичларига таъсири.** Комбайн жаткасининг ўриш баландлиги 5 см дан 20 см гача ошганда унинг иш унуми 1,01 га/соатдан 1,37 га/соатгача, яъни 1,3 мартага ортиб борди. Ўриш баландлиги 5 см дан 10 см гача ортганда комбайн жаткасида мотовила таъсирида тўкилган дуккак ва дон кўринишидаги содир бўлган дон нобудгарчилиги 0,34 фоиздан 0,45 фоизгача ортган бўлса, ўриш баландлигининг кейинги 10 см, 15 см ва 20 см ўриш баландликларида дон нобудгарчилиги бундай дон нобудгарчилиги 0,44 – 0,48 фоиз оралиғида бўлиб, деярли ўзгаришсиз қолди.

Ўриш баландлигининг ушбу ўзгариш оралиқларида комбайн янчигидаги дон нобудгарчилиги 1,23 фоиздан 1,05 фоизга ёки 1,2 мартага камайди. Тажрибаларда 5 ва 10 см ўриш баландлигида ўрилмаган дуккак кўринишидаги дон нобудгарчилиги кузатилмаган бўлса, 15 см ўриш баландлигида бундай кўринишдаги дон нобудгарчилиги 0,83 фоизни, 20 см ўриш баландлигида эса 2,5 мартага ортиб 2,08 фоизни ташкил этди.

Ўтказилган тажриба натижаларига кўра, комбайннинг 5 ва 10 см ўриш баландлигида комбайн иш унуми нисбатан паст бўлсада, аммо умумий дон нобудгарчилиги 1,59 – 1,67 фоиз оралиғида бўлиб, талабларда белгиланган 2 фоиздан ортиб кетмади. Шу сабабли комбайн билан сояни йиғиштиришда ўриш баландлиги 5 – 10 см оралиғида бўлиши тавсия этилади.

**Комбайн иш тезлигининг иш сифат кўрсаткичларига таъсири.** Сояни йиғиштиришга мақбул бўлган комбайн иш тезлигини аниқлаш учун 0,8 м/с дан 1,6 м/с гача оралиқда тадқиқ этилди.

Комбайн иш тезлиги 0,8 м/с дан 1,6 м/с гача кўпайганда иш унуми 0,72 га/соатдан 1,54 га/соатгача, яъни 2 мартадан кўпроққа ортди (2-жадвал).

Аммо комбайннинг 0,8 – 1,2 м/с оралиғида комбайн жаткасидаги дон нобудгарчилиги талабларда белгиланган 0,5 фоиздан ортиб кетмаган бўлса,

комбайн янчгичидаги дон нобудгарчилиги 1,4 м/с ва 1,6 м/с да ҳам 1,5 фоиздан юқори бўлмади.

## 2-жадвал

### Комбайн иш тезлиги ўзгаришининг иш сифат кўрсаткичларига таъсири

№	Иш сифат кўрсаткичлари	Комбайннинг иш тезлиги, м/с					
		0,8	1,0	1,2	1,4	1,6	
1	Иш унуми, га/соат	0,72	1,05	1,28	1,42	1,54	
2	Дон нобудгарчилиги, %	комбайн жаткасида	0,41	0,45	0,48	0,52	0,76
		комбайн янчгичида	0,76	0,82	0,94	1,15	1,44

Бироқ комбайннинг 1,6 м/с иш тезлигида умумий дон нобудгарчилиги 2 фоиздан ортиб кетди ва 2,2 фоизга бориб етди.

Шу сабабли сояни йиғиштиришда комбайн иш тезлиги 1,2-1,4 м/с оралиғида бўлиши маъқул ҳисобланади.

**Мотовила айланишлар сони ўзгаришининг комбайн иш сифат кўрсаткичларига таъсири.** Ўтказилган тажрибаларда жаткадаги дон нобудгарчилигига мотовила айланишлар сони ҳам энг катта таъсир этиши аниқланди. Жумладан, мотовила айланишлар сони 25 айл/мин бўлганда комбайн иш унуми 1,05 га/соатни ташкил этиб, комбайн жаткасидаги дон нобудгарчилиги 0,61 фоиз бўлган бўлса, мотовила айланишлар сони 35 айл/мин бўлганда, комбайн иш унуми ортиб, 1,21 га/соатни ташкил этган бўлса, дон нобудгарчилиги камайиб, 0,44 фоизга тенг бўлди.

Мотовиланинг 25 айл/мин айланишлар сонидан дон нобудгарчилигининг 35 айл/мин га нисбатан кўп бўлиши мотовиланинг соя массасини етарли даражада қамраб олиб ўриш аппарати томон эгиб беришга улгурмаслиги натижада айрим қирқилган поялар ерга тушиб, қолиб кетиши ҳисобига содир бўлди.

Мотовила айланишлар сони 35 айл/мин дан 55 айл/мин гача ортиб борганда иш унуми деярли ўзгармади ва 1,21, 1,29 ва 1,22 га/соат оралиғида бўлди. Аммо, мотовила айланишлар сони 35 айл/мин дан 45 айл/мин гача ортганда, комбайн жаткасидаги дон нобудгарчилиги 0,44 фоиздан 0,86 фоизгача (қарийб 2 мартага), 55 айл/мин гача ортганда эса 1,97 фоизгача (4,5 мартага яқин) кўпайди.

Олиб борилган тажриба натижаларига кўра, сояни йиғиштиришда комбайн жаткаси мотовиласининг айланишлар сони 30-35 айл/мин оралиғида бўлиши тавсия этилади.

**Янчиш барабани айланишлар сони ўзгаришининг комбайн иш сифат кўрсаткичларига таъсири.** Комбайн янчиш аппаратига узатилган соя массасини сифатли янчиб олишда янчиш барабанининг айланишлар сони муҳим рол ўйнайди. Шу мақсадда янчиш барабани айланишлар сони 500

айл/мин дан 800 айл/мин гача ораликда тажрибавий тадқиқ этилди. Тадқиқотларда комбайн янчиш барабани айланишлар сони 500 айл/мин дан 800 айл/мин гача оширилганда унинг иш унуми деярли ўзгаришсиз бўлиб, 1,08 – 1,18 га/соат оралиғида бўлишини кўрсатди.

Янчиш тўлиқлиги барабаннинг 500 айл/мин қийматида белгиланган талаблардан паст бўлиб, 97,4 фоизни ташкил этган бўлса (талаб бўйича 98 фоиздан кам бўлмаслиги керак), 600, 700 ва 800 айл/мин ларда мос равишда 98,9, 99,6 ва 99,7 фоизни ташкил этиб, талабларга тўлиқ жавоб берди.

Аммо, янчиш барабани айланишлар сони 700 айл/мин дан 800 айл/мин гача ортгани билан янчиш тўлиқлиги ўзгармаган бўлса, янчиш барабани айланишлар сони 700 айл/мин дан 800 айл/мин гача ортганда дон шикастланиши жадал кўпайиб, 2,84 фоизга бориб етди ва талабларда белгиланган 2 фоиздан кўпайиб кетиши маълум бўлди.

Комбайн янчиш барабани айланишлар сонининг иш сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар натижаларига асосан сояни йиғиштиришда дон шикастланиши кўп бўлмаслиги учун барабаннинг айланишлар сони 600-650 айл/мин оралиғида бўлиши маъқул деб топилди.

**Янчиш барабани ва дека орасидаги тирқиш ўзгаришини комбайн иш сифат кўрсаткичларига таъсири.** Комбайн янчиш барабани ва декаси орасидаги тирқиш 11х3 мм дан 17х6 мм гача оширилганда иш унуми 1,01 га/соатдан 1,28 га/соатгача ортиши аниқланди. Паст иш унуми асосан янчиш барабани ва декаси орасидаги тирқиш 11х3 мм бўлганда кузатилди, қолган ўлчамларда 1,17 – 1,28 га/соат оралиғида бўлиб, унча катта ўзгармаслиги маълум бўлди. Янчиш барабани ва декаси орасидаги тирқиш 11х3 мм дан 17х6 мм гача катталаштирилганда янчиш тўлиқлиги 99,7 фоиздан 95,6 фоизга пасайиши аниқланди. Бу ҳолат тирқиш 17х6 мм бўлганда янчилмай қолган дуккак кўринишида анчайин яққол намоён бўлди.

Дон шикастланиши эса янчиш барабани ва декаси орасидаги тирқиш 11х3 мм бўлганда энг катта бўлиб, 6,41 фоизни ташкил этган бўлса, 13х3 мм бўлганда 2,3 фоизга пасайган бўлсада, аммо талаблардан юқори бўлиши аниқланди. Янчиш барабани ва декаси орасидаги тирқиш 15х4 ва 17х6 мм бўлганда эса дон шикастланиши мос равишда 1,18 ва 0,72 фоиз бўлиб, белгиланган талабларни қаноатлантириши маълум бўлди. Талаб бўйича барча кўрсаткичларни қаноатлантирадиган натижалар янчиш барабани ва декаси орасидаги тирқиш 15х4 мм бўлганда аниқланди ва сояни йиғиштириш учун янчиш барабани ва декаси орасидаги тирқиш кириш қисмида 15 мм, чиқиш қисмида 4 мм бўлиши тавсия этилади.

**Вентиляторнинг айланишлар сони ўзгаришининг комбайн иш сифат кўрсаткичларига таъсири.** Назарий тадқиқотларда комбайн билан сояни йиғиштиришда дон тозаллиги ва нобудгарчилигига дон тозалаш қисми вентиляторининг айланишлар сони таъсир этиши аниқланган эди. Назарий тадқиқотлар натижаларини текшириб кўриш мақсадида вентилятор

айланишлар сонини 600 айл/мин дан 900 айл/мин гача ўзгартириб, тажрибалар ўтказилди.

Вентилятор айланишлар сони 600 айл/мин дан 900 айл/мин гача оширилганда дон тозалиги 94,7 фоиздан 98,5 фоизгача ортиши аниқланган бўлса, дон тозалигининг ортиши билан бир пайтда дон нобудгарчилиги ҳам 0,28 фоиздан 1,63 фоизгача ортиб бориши аниқланди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Вентиляторнинг айланишлар сони ўзгаришининг комбайн иш сифат кўрсаткичларига таъсири

№	Иш сифат кўрсаткичлари	Вентиляторнинг айланишлар сони, мин <sup>-1</sup>			
		600	700	800	900
1	Дон тозалиги, %	94,7	96,9	97,3	98,5
2	Эркин дон нобудгарчилиги, %	0,28	0,31	0,76	1,63

Бунда вентиляторнинг айланишлар сони 700, 800 ва 900 айл/мин бўлганда дон тозалиги 96 фоиздан юқори бўлиши кузатилган бўлса, эркин кўринишдаги дон нобудгарчилиги вентилятор айланишлар сонининг 600 ва 800 айл/мин айланишларида белгиланган талаблар даражасида бўлиши маълум бўлди.


Дон тозалиги ва нобудгарчилигининг белгиланган талабларни қаноатлантирадиган кўрсаткичлари вентилятор айланишлар сонининг 700-800 айл/мин қийматида олинди. Шу сабабли, сояни йиғиштиришда комбайн дон тозалаш қисми вентиляторининг айланишлар сонини 750-800 айл/мин оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқ деб топилди.

**Дон тозалиги ва нобудгарчилигининг поя туткич бармоқлар узунлиги ва оралиғига боғлиқлиги.** Комбайн дон тозалаш қисми юқори ғалвирга поя туткич бармоқлар қўйилган бўлиб, унинг узунлиги 5 мм дан 15 мм гача ортиб борганда дон тозалиги жадал равишда ортиб, 93,7 фоиздан 98,2 фоизга бориб етган бўлса, 15 – 20 мм оралиғида ўзгармади ва 20 мм дан 25 мм га етказилганда 97,6 фоизга пасайиши кузатилди (4-расм, а).

Эркин кўринишдаги дон нобудгарчилиги эса поя туткич бармоқлар 5 мм дан 15 мм гача оралиқда нисбатан паст бўлиб, 0,3 – 0,6 фоиз оралиғида бўлган бўлса, поя туткич бармоқларнинг узунлиги 20 мм ва 25 мм бўлганда эркин кўринишдаги дон нобудгарчилиги кўпайиб, 0,7 – 0,8 фоизга бориб етди.

Шунга асосан комбайн дон тозалаш қисми юқори ғалвирга қўйилган поя туткич бармоқлар узунлиги 15 мм бўлиши тавсия этилади.

Шунингдек, ғалвирга ўрнатилган поя туткич бармоқлар оралиғи 30 мм бўлганда дон тозалиги 98,8 фоиз бўлиб, талабларни қаноатлантирган бўлса, дон нобудгарчилиги 1,0 фоизни ташкил этиб юқори бўлди. Поя туткич бармоқлар оралиғи 45 мм бўлганда дон тозалиги 97,9 фоиз, нобудгарчилиги эса 0,7 фоизни ташкил этиб, белгиланган талабларни қаноатлантирди.



1 – дон тозалиги; 2 – дон нобудгарчилиги

#### 4-расм. Поя туткич бармоқлар узунлиги ва оралиғининг дон тозалиги ва нобудгарчилигига таъсири

Поя туткич бармоқлар оралиғи 60 мм ва 70 мм бўлганда дон нобургарчилиги 0,4-0,5 фоиз оралиғида бўлиб, белгиланган талабларни қаноатлантирган бўлсада, аммо дон тозалиги 94,5 фоиз ва 93,9 фоиз даражасига пасайиб, талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Шу сабабли поя туткич бармоқлар оралиғи 45 мм бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг «Сояни йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайнининг иқтисодий самараси» деб номланган бешинчи бобида сояни йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайнининг асосий параметрлари ва техник тавсифи, хўжалик синовлари натижалари ва унинг иқтисодий самарасини аниқлаш натижалари келтирилган.

Соя йиғиштиришга мослаштирилган Доминатор-130 комбайни ишчи қисмлари керакли технологик параметрларга ростланиб, сояни йиғиштиришда қўлланилганда комбайннинг иш унуми ўртача 1,24 га/соат ни ташкил этиб, дон нобудгарчилиги комбайн жаткасида 0,46 фоиз, комбайн янчигида 0,92 фоизни ташкил этган бўлса, умумий нобудгарчилик 1,38 фоиз, дон шикастланиши 1,34 фоиз, дон тозалиги эса 97,6 фоизга тенг бўлди ва одатдаги комбайннинг дон нобудгарчилигидан 4,6 фоизга кам бўлди. Дон нобудгарчилигининг камайиши ҳисобига 1 гектар сояни йиғиштиришда мослаштирилган ғалла комбайнининг иқтисодий самараси 573247 сўмни, йиллик иқтисодий самараси эса 120 гектар юкланишда 68789688 сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСА

«Сояни йиғиштириш учун ғалла комбайнини мослаштириш ва параметрларини асослаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD)

диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Сояни йиғиштириш усуллари ва техника воситаларининг таҳлили, ғалла комбайнлари билан сояни йиғиштириш бўйича дастлабки тадқиқотлар Ўзбекистон шароитида сояни йиғиштириш учун ғалла комбайнларини мослаштириш ва параметрларини асослаш ҳосилни кам харажатлар билан агротехник талаблар даражасида йиғиштириш имконини беришини кўрсатди.

2. Сояни йиғиштириш даврида унинг баландлиги навларига ва етиштириш агротехникасига қараб ўртача 63 – 99 см, пояларининг диаметри пастки қисмда ўртача 4,1-7,1 мм, дуккакларнинг жойлашиш баландлиги Ойжамол ва Амиго навларида ердан 15 см дан юқори, Селекта навида 6 см баландликда жойлашиши, бир туп ўсимликда дуккаклар ўртача 21,0 – 29,8 дона ва доннинг пояга нисбати 1:1,1 – 1:1,8 оралиғида бўлиши аниқланди.

3. Назарий тадқиқотлар соя пояларининг баландлиги ва мотовиланинг радиусига боғлиқ ҳолда мотовиланинг ўрнатилиши  $h_m = 0,98 - 1,34$  м оралиғида, унинг айланишлар сони  $n_m = 32,4$  мин<sup>-1</sup> га тенг ёки ундан пастроқ, планкалари сони эса  $N_n = 2,85 - 3,04$  дона бўлиши кераклигини кўрсатди.

4. Соя донини дуккакдан кам шикастлаб, тўлиқ ажратиш учун янчиш барабанининг айланишлар сони  $n_b = 617,1 - 661,4$  мин<sup>-1</sup> оралиғида, ғалвирга келиб тушаётган поя бўлақларини тутиб қолиб, ташқарига чиқариб юбориш учун эса поя туткич бармоқлар оралиғи  $B_b = 47,5$  мм бўлиши керак.

5. Ғалвир жалюзалари очиклик бурчаги  $20^0$  бўлганда ҳавонинг 3,0 м/с тезлигида поя бўлағи дон билан қўшилиб ичкарига, 4,0; 5,0 ва 6,0 м/с тезликларида эса ташқарига ҳаракатланади ва доннинг ичкарига, поя бўлақларининг эса ташқарига ҳаракатланиши учун жалюзаларнинг очиклик бурчаги  $30^0$ , ҳавонинг тезлиги эса 3,0 ва 4,0 м/с оралиғида бўлиши керак.

6. Тадқиқотларга кўра, сояни йиғиштиришда ғалла комбайни жаткасининг ўриш баландлиги 5-10 см, мотовиласи айланишлар сони 30-35 мин<sup>-1</sup>, ўрнатилиш баландлиги 100-110 см, планкалари сони 3 дона, янчиш барабани айланишлар сони 600-650 мин<sup>-1</sup>, барабан ва дека орасидаги тирқиш: кириш қисмида 15 мм, чиқиш қисмида 4 мм, вентилятор айланишлар сони 750-800 мин<sup>-1</sup>, такомиллаштирилган ғалвир жалюзаларининг очилиш бурчаги: юқори ғалвирда 30, пастки ғалвирда 20 градус, уларга ўрнатилган поя туткич бармоқлар узунлиги 15 мм, оралиғи 45 мм, диаметри 5 мм ва комбайн иш тезлиги 1,2-1,4 м/с оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқ.

7. Соя йиғиштиришга мослаштирилган ғалла комбайнидан фойдаланилганда иш унуми 1,24 га/соат, дон нобудгарчилиги 1,38 %, шикастланиши 1,64 %, тозалиги эса 97,6 % ни ташкил этиб, дон нобудгарчилиги камайиши ва иш сифатини яхшиланиши ҳисобига битта комбайндан бир гектарга 573247 сўм, 120 гектар иш ҳажмида эса 68 789 688 сўм иқтисодий самара олишга эришилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РНД.03/30.06.2020.Т.111.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРШИНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ЭКОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**УМИРОВ АБДИГАППАР ТУРАЕВИЧ**

**ПРИСПОСОБЛЕНИЕ ЗЕРНОУБОРОЧНОГО КОМБАЙНА  
ДЛЯ УБОРКУ СОИ И ОБОСНОВАНИЕ ЕГО ПАРАМЕТРОВ**

**05.07.01 – Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. Механизация  
сельскохозяйственных и мелиоративных работ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**КАРШИ – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/Т1356.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице [www.qmii.uz](http://www.qmii.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:

Астанакулов Комил Дуллиевич  
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Худаяров Бердирасул Мирзаевич  
доктор технических наук, профессор

Эшдавлатов Эшпулат Узакович  
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Каршинский институт ирригации и  
агротехнологии НИУ «ТИИИМСХ»

Защита диссертации состоится 17 августа 2022 г. в 14 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.06.2020.Т.111.02 при Каршинском инженерно-экономическом институте (Адрес: 180100, г. Карши ул. Мустакиллик, д. 225. Тел: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [qmii@qmii.uz](mailto:qmii@qmii.uz), [kiei info@edu.uz](mailto:kiei info@edu.uz) )

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского инженерно-экономического института (регистрационный номер 31). Адрес: 180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, д. 225. Тел: (+99875) 221-09-23, факс: (+99875) 224-13-95, e-mail: [qmii@qmii.uz](mailto:qmii@qmii.uz), [kiei info@edu.uz](mailto:kiei info@edu.uz) )

Автореферат диссертации разослан « 4 августа 2022 года.  
(Протокол рассылки № 15 « 4 августа 2022 года).



Ф.М.Маматов

Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., профессор

Д.Ш.Чуянов

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., доцент

З.Л.Батиров

Председатель научно-о семинара при научном совете  
по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире с ростом спроса на сою ведущее место занимает применение ресурсосберегающих технологий и технических средств для ее уборки. «Если учесть, что сейчас в мировом масштабе соя выращивается на более 110 млн. гектарах и получается более 352 млн. тонн зерна»<sup>1</sup>, то уборка сои с минимальными затратами при допуске уровне потери зерна требуют широкое внедрение технических средств, осуществляющих уборку сои при с наименьшими затратами ресурсов и топлива. В этом аспекте, большое значение имеет внедрение зерноуборочных комбайнов, приспособленных для уборки сои наиболее простыми изменениями.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на разработку новых научно-технических решений, ресурсосберегающих технологий и технических средств для уборки сои с целью получения качественного зерна с их меньшими потерями. В этом направлении, в частности, одной из важных задач является создание новых и приспособление отдельных рабочих органов для обеспечения возможностей применения зерноуборочных комбайнов при уборке сои. В этом аспекте усовершенствование и обоснование параметров и режимов работы рабочих органов жатки, молотильного аппарата, вентилятора и решета зерноуборочного комбайна для уборки сои является актуальной.

В республике, учитывая развитие производства сои и увеличение потребности на чистое и безопасное растительное масла, проводятся широкомасштабные мероприятия по разработке ресурсосберегающих технологий и технических средств, обеспечивающих качественной уборки сои с минимальными потерями зерна и затрат на уборки. В Новой Стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы, намечены задачи, в частности, «...увеличить доходы фермеров не менее чем в 2 раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, добиться ежегодного прироста сельского хозяйства не менее 5%»<sup>2</sup>. При выполнении этих задач, вместе с энерго- и ресурсосбережением, важным является приспособление существующих и разработка новых рабочих органов, обеспечивающих высокое качества работы зерноуборочных комбайнов при уборке сои путем снижения потери, повреждаемости зерна и повышения их чистоты.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы » и Постановлениях ПП-2832 от 14 марта 2017 года «О мерах по организации посева сои и увеличению возделывания

---

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/faostat/#data/suflowerseed/QS>

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 г за номером УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

соевых бобов в республике на 2017 - 2021 годы», Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан П-105 от 10 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему увеличению объемов выращивания сои в республике», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики П. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Исследованиями по раскрытию сущности и разработкой научных основ технических средств для уборки сои за рубежом занимались A.S.Abbasi, A.Vejasit, V.M.Salokhe, H.Shamsabadi, A.Saberi, A.A.Timothy, A.B.Osakpamwan, I.E.Osaivbie, И.В.Бумбар, А.В.Парубенко, Н.М.Ожигова, М.И.Вязмин и другие.

В республике научно-исследовательские работы по разработке и усовершенствованию способов и устройств для уборки зерновых и других культур были проведены К.Д.Астанакуловым, О.Ш.Очилдиевым, Б.А.Хатамовым, К.А.Шавазовым и и другими исследователями.

В этих исследованиях были изучены процессы уборки пшеницы, кукурузы, подсолнечника зерноуборочными комбайнами и приспособление и обоснование их рабочих органов для уборки этих культур. Однако в этих исследованиях не были изучены вопросы приспособления зерноуборочных комбайнов и обоснование параметров и режимов работы их рабочих органов для уборки сои.

